Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана

Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2012 йил, 10 август • № 33 (898)



## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида**

## ДЕПУТАТЛАР МАМЛАКАТ ТАШҚИ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида навбатдаги мажлис бўлиб ўтди. Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар "Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.***

Концепция Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва парламентга давлат раҳбари томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган.

Ҳужжатда ҳозирги халқаро муносабатлар тизимидаги ўзгаришларга Ўзбекистон Республикасининг манфаатлари нуқтаи назаридан баҳо берилган. Унда давлат ташқи сиёсатининг асосий мақсади, принциплари, вазифалари, шунингдек, устувор йўналишлари белгиланган. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолиятини шакллантириш жараёнлари ва уни амалга ошириш механизмлари очиб берилган.

Концепция қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги Қонунга ва давлатимизнинг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига асосланади ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари ва принципларига, шу жумладан, БМТ уставига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларацияга ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Хельсинки якунловчи актига мос келади.

Дунёда ва минтақамизда юзага келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, халқаро ва минтақавий тараққиётнинг долзарб масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг принципиал нуқтаи назарига мувофиқ Концепцияда қуйидаги асосий қоидалар баён этилган:

Ўзбекистон Республикаси давлатнинг, халқнинг олий манфаатларига, фаровонлиги ва хавфсизлигига, мамлакатни модернизация қилишнинг устувор йўналишларига, амалдаги миллий қонунчилик ҳамда қабул қилинган халқаро мажбуриятларга амал қилган ҳолда иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириш, шунингдек, улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади;

Ўзбекистон тинчликсевар сиёсат юритади ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди, ҳар қандай давлатлараро тузилмалар ҳарбий-сиёсий блокка айланган тақдирда, улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади;

Ўзбекистон Республикаси қўшни давлатлардаги қуролли зиддиятларга ва танг вазиятларга тортилишининг олдини олиш юзасидан сиёсий, иқтисодий ва бошқа чора-тадбирларни кўради, шунингдек, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди.

Конституцияга, "Мудофаа тўғрисида"ги Қонунга ва Ҳарбий доктринага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари фақат давлат суверенитети ва мамлакат ҳудудининг яхлитлигини ҳимоя қилиш, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини асраш мақсадидагина тузилади ҳамда хориждаги тинчликпарварлик операцияларида иштирок этмайди.

Қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари ва сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг мажлисларида кенг ва ҳар томонлама муҳокама қилинди.

ЎзЛиДеП фракцияси депутатлари шуни таъкидладиларки, Ўзбекистоннинг 21 йиллик мустақил тараққиёти даврида ҳар томонлама пухта ўйланган ҳамда миллий манфаатларга асосланган, дунёда кенг эътироф этилган ва жаҳон ҳамжамиятида мамлакатнинг обрў-эътиборини мустаҳкамлаган ташқи сиёсий йўли шаклланди. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ўтган йигирма бир йил давомида эришилган амалий тажрибага таяниб, фаол, дадил ва мутаносиб ташқи сиёсий йўлни амалга ошириш талаб этилаётган XXI асрнинг тинимсиз ўзгариб бораётган халқаро

**(Давоми 5-бетда).**

## Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 21 йиллиги олдидан



# БУНЁДКОРЛИК, ҲУРЛИК ВА ОЗОДЛИК

## Халқимизнинг орзулари рўёбга чиқди

***Мустақиллик нашидасини, Ватан туйғусини ҳар ким турлича ҳис этади, тасаввурларини завқу шавққа, фахр-ифтихор билан ифода этишга ҳаракат қилади. Ҳа, албатта, бу муқаддас туйғуни ҳис эта олишнинг ўзи бир бахт!***

**ЙИЛЛАР ШУКРОНАСИ**

Кекса отахон ва онахонларнинг даврасида ўтириб қолсангиз, уларнинг дуоси-ю, дил сўзида фақат шукроналик туйғуси борлигини ҳис этасиз. Йиллар ўзига хос таассурот ва мисли кўрилмаган ўзгаришлар билан ўтаверади. Ўтган давр, мустақилликдан олдинги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, буларнинг бари эҳтимол, ёш авлод учун тарихдир, аммо икки аср оралиғида яшаётган ватандошларимиз учун унутилмас сабоқ ва кўп қиррали тарихий солномадир. Бизга қадимдан маълумки, эл-юрт тинчлиги учун қанчадан-қанча юртдошларимиз мустақиллик, озодлик учун курашларда мардона шаҳид кетганлар. Улар фақатгина ўз оиласи тинчлигини эмас, балки бутун миллат, жамиятнинг келажак истиқболини ўйлаб жонларини фидо қилганлар. Тарих бу – ўтмиш билан бугун ўртасидаги мустаҳкам кўприкдир. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда "Тарихий хотирасиз келажак йўқ". Шундай экан, эндигина вояга етиб келаётган баркамол авлоднинг мустақиллик неъматлари сифатида униб ўсишлари, ота-боболаримиз босиб ўтган машаққатли ва мураккаб ҳаёт йўли эса улар учун ибрат мактаби бўлишини доим ўргатиб келамиз. Ватанимиз ўзининг тараққиёт йўли, олдига қўйган мақсад-вазифалари билан бутун дунё шоҳидлигида 1991 йил ўз мустақиллигини қабул қилди. Бу қувончли воқеани халқимиз кўп йиллар интиқлик, интизорлик ва катта ҳаяжон билан кутди. Муболағасиз айтиш мумкинки, юртдошларимиз севинч кўзёшлари билан озодлик нашидасига эришганлигини кенг нишонлади. Шукроналик бахтини юрак ҳис этди. Шу кундан эътиборан халқимиз Мустақил Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлди. Кенг жамоатчилик, бутун дунё аҳли буюк аждодлар макони бўлган, илм-фан тараққиёти ривожига ҳисса қўшган, ислом маданияти тараққий этган Ўзбекистонни илиқ сўзлар, самимий табриклар билан қутлади. Давлатимиз раҳбари бу яхлит бутунлик ва ишончни юракдан ҳис этиб, мана 21 йилдирки, бир тану бир жон бўлиб, халқимиз фаровонлиги, тинч-осойишта ҳаёти учун камарбаста бўлиб келмоқда. Албатта, бу ютуқ ва муваффақиятлар қўлга киритилишида халқимизнинг йиллар давомида

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 21 йиллиги олдидан

# БУНЁДКОРЛИК, ҲУРЛИК ВА ОЗОДЛИК

## Халқимизнинг орзулари рўёбга чиқди

қилган меҳнатлари, тинимсиз курашлари ва сабру тоқати, ҳар қандай қийинчиликка чидаб, эртанги умид, келажак билан яшаганликларининг бир амалий ифодасидир, дейиш мумкин.

### ТАРАҚҚИЁТ САРИ ЙЎЛ

**Қарилик гаштини сураётган Гулҳаё ая яқинда бўлиб ўтган бир воқеа ҳақида шундай дейди:**

*– Набирам ёнгинамиздаги касб-ҳунар коллежида таҳсил олиш учун ҳужжат топширди. Имтиҳонлардан катта ҳаяжон билан ўтган набирамнинг қувончидан суюниб, ушбу таълим даргоҳига йўл олдим. Замонавий қад ростлаган бинони кўриб, чиндан ҳайратландим. Бугунги ёшларга яратилган ана шундай шароитлардан мамнун бўлдим. Ёшим 70 дан ошиб қолди. Биз ўқиган кезлар бундай шарт-шароитлар қайда дейсиз? Ҳозирги давр каби компьютерлар, тезкор ахборот узатишлар, хориж тилларини ўрганиш, адабиётлар – буларнинг бари мактабдан тортиб, институтларгача кириб борган. Коллеждаги дарс хоналар ҳамда жисмоний тарбия машғулотлари учун яратилган майдончалар эътиборимни тортди. Набирам ана шундай коллежда ўқиб, Ватанимиз учун малакали кадр бўлиб етишишига ишончим, умидим ортди. Севинч ёшларимни яширолмай, ёшликни эсладим. Биз етолмаган орзуларга бугун фарзандларимиз эришаётганлигидан шукроналар айтаман.*

Дарвоқе, давр, вақт, инсон умри бир жойда тўхтаб қолмайди. У худди соат миллари каби айланиб туради. Кекса онахонимизнинг бугунги шукроналик сўзлари қалбимизда бошқача қараш, атрофга янада эътиборлироқ ва теран назар билан боқишга ундади. Қайси соҳани олманг, у ерда тараққиёт ва ривожланиш, шунингдек, замонага мос равишда инсонлар дунёқараши, ўзликни англаш, ҳушёрлик ва огоҳлик руҳияти ҳам тобора ўзгариб бормоқда.

**Бир дўстим хориж таассуротлари билан ўртоқлашар экан, кўнглидаги кечинмаларни бирма-бир айтишга жазм қилди:**

*– Яқинда Сингапур давлатидан келдим. Хизмат тақозоси билан борганим учунми, узоқ вақт қолишнинг иложи бўлмади. У ернинг шаҳарлари доимгидек гўзал ва бетакрор, айниқса, салқин об-ҳавоси, орол бўйидаги дам олиш ҳавзалари ҳар қандай киши эътиборини тортади. Лекин ана шундай хушманзара табиатни ҳеч шубҳасиз, Ватанимиздан ҳам ўнлаб, минглаб топиш мумкин. Бежизга диёримизни жаннатмакон ўлка дейишмайди. Фахрланарли томони шундаки, биз барча соҳаларда ривожланишдан олдиндамиз. Сингапур ва шунга ўхшаш давлатларга одамлар фақатгина дам олгани боришаркан. Аммо, биздачи? Мақтаниш эмас, юртимизда дам олишдан тортиб, тарихий обидаларгача, илмаърифат соҳасидан чемпионликкача бўлган оламшумул, дунё эътиборига молик воқеликларнинг гувоҳи бўлиш мумкин. Шунингдек, ҳар бир давлатнинг ўз тарихий даври, мустақиллик йиллари бор. Шубҳасиз, биз эришаётган ютуқларга атиги 21 йил тўлди. Баъзи давлатларнинг мустақиллик йиллари юз йилдан ошиқроқ вақтни ташкил этади. Ахир 1991 йилда таваллуд топган гўдак бугун балоғат ёшидаку. Демоқчи бўлганим, мен кўп давлатларда бўлдим, уларни бир-бири билан таққослаш имкониятим кенгайди. Ҳар бирининг ўз танлаган йўли ва келажаги бор. Ўзбекистон ҳам ана шундай ривожланиш ва тараққиёт йўлидан олға бормоқда. Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, юртимиз фахрини юксалтирган спортчиларга қараб, қувониб кетаман. Бундай муваффақиятлар аввал қаёқда эди, дейсиз? Бу албатта, мустақилликнинг бизга берган шукроналик неъматларидир.*

Юртдошимизнинг бу сўзлари айни ҳақиқат. Зеро, ҳадисларда ҳам "Ватанни севмоқ – иймондандир" дейилган. Биз ўз тупроғимизда туриб, Ватан қадрини чет элда юрган ватандошларимиз каби чуқурроқ ҳис этмасдирмиз. Аммо улар бу туйғуни биздан кўра кўпроқ ва чексизроқ ҳис этадилар. Баъзан телеэкранларда хорижга ишга кетиб, Ватанига қайтолмаётган юртдошларимиз ёки Ватан хоини бўлиб, ўзга юртларда сарсону саргардон юрган фуқароларимиз қисматини кўриб, уларнинг аянчли тақдирига гувоҳ бўламиз. Демак, эл-юрт ривожи ва истиқболи аввало ҳар кимнинг ўзига боғлиқ экан. У ким бўлишидан қатъи назар, бу туйғу олдида бирдек масъул. Барчамиз тараққиёт сари йўл олган Ўзбекистон мустақиллигини янада камол топтириб, юксалтириб боришимиз зарур.

(Давоми. Боши 1-бетда).

### ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИДАГИ ЭЪТИРОФ

Маълумки, 2008 йилда бошланган, бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг сабаб ва оқибатларини тўғри баҳолаш ҳамда шу асосда унга қарши самарали чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш масаласи долзарб турган бир пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби хорижий мамлакатлар сиёсий-иқтисодий, ишбилармон ва жамоатчилик доиралари, ОАВ вакиллари орасида катта қизиқиш уйғотди. Инқирозга қарши чоралар Дастурининг амалга оширилиши билан инқирознинг иқтисодимизга таҳдиди ва салбий таъсирининг олди олиниб, Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даража-



си ва фаровонлигини янада оширишни муваффақиятли ҳал этиш учун ишончли замин яратди. Бу албатта, Ўзбекистоннинг беш тамойил асосида, босқичма-босқич амалга оширилаётган бозор сиёсати ва бошқа иқтисодий ислоҳотларнинг мукаммал даражада ишлаб чиқилиши натижаси ўлароқ, ўз самарасини кўрсатди. Мазкур китоб дунёнинг турли тилларига таржима қилиниб, ўрганилди, тавсия этилган чора-тадбирлар амалиётга қўлланилди, дастуриламал вазифасини ўтади. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз ана шундай мураккаб вазиятда ўзининг тўғри танлаган ва мақсадли дастурлари билан дунё мамлакатларига ўрнак бўла олди ва бу узлуксиз жараён муносиб эътироф этилди.

Мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг, болалар спортига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ёш авлодни ҳам ақлан, ҳам жисмонан соғлом дунёга келтириш, тарбиялаш ва муносиб авлодлар даражасида шакллантириш вазифаси давлат сиёсатига айланди. Қисқа фурсат ичида юртдошларимиздан бокс, шахмат, енгил атлетика ва спортнинг бошқа турлари бўйича жаҳон чемпионлари етишиб чиқди. Улар номи тарих саҳифаларида муҳрланди. Шунингдек, илм-маърифат, астрономия, физика-математика фани ривожида олимларимизнинг нодир ихтиролари, кашфиётлари жаҳон эътирофига сазовор бўлди. Яқинда Самарқанд олимлари томонидан кашф этилган янги "Самарқанд" сайёраси эса, нафақат кенг жамоатчилик, балки дунё тамаддунидаги нодир кашфиёт ва изланишларнинг амалий самараси бўлди. Мирзо Улуғбекнинг муносиб ворислари, издошлари сифатида тарихда буюк янгилик кашф этилди. Шунингдек, тарихий обидаларни қайта тиклаш ва уларни келгуси авлодлар қўлига етказиш борасида катта изланишлар олиб борилиб, Тошкентни "Ислом маданиятининг пойтахти" деб эълон қилишди. Мустақиллик йилларидан кейин туризм соҳасига кенг йўл очилиб, ёдгорлик иншоотлари замон талабида таъмирланди, қайтадан қад ростлади.

### БИР ВАТАНДОШИМИЗ ШУНДАЙ ДЕЙДИ:

– Ҳамюртларимни хориж ареналарида туриб, муваффақият қозонганлигини кўриб, қувониб кетаман. Ўзбек байроғи ҳатто, забт этилган баланд чўққиларда ҳилпираб туриши қалбимизни ифтихорга тўлдиради. Халқлар тотувлигини айтмайсизми? 150 дан ортиқ миллат вакиллари бир оиладек истиқомат қиламиз. Ҳар байрамда уларнинг миллий рақсларини кўриб, ором оламан. Яқинда мустақиллик майдонига набираларимни олиб бордим. У ердаги табиат кўйни, киши баҳридилини очувчи иморатлар, гўзал ва ҳуснкор дов-дарахтлар диққатга сазовор. Ҳақиқатда ҳам бунёдкорлик ишлари мақтовга лойиқ.

Бу каби эътирофли фикрларни хорижлик фуқаролар номидан ҳам эшитиш мумкин.

### ИНСОН МАНФААТЛАРИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Мустақиллик қабул қилинган кундан бошлаб, Юртбошимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси ишлаб чиқилди. Унда бош омил – инсон манфаатларига хизмат қилиш, улар ҳуқуқини қонун устуворлиги билан мустаҳкамлаш вазифаси қўйилди. Чунки, давлатни фуқаролик жамиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қарийб 30 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилаётган бу диёрда барчанинг ҳуқуқ ва эркинликлари бирдек кафолатланган. Шундай экан, ҳаммамиз ҳам қонун устуворлигига амал қиламиз, фаолиятларни тўғри ташкил этиш учун белгиланган меъёрлардан четга чиқмаймиз. Аҳамият берадиган бўлсак, барча соҳаларда қонунчилик тизими мустаҳкамланган. Хориж тажрибасига таянган ҳолда мамлакатимизда икки палатали парламент тузилди. Яъни Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси бугунги кунда қонунларни таҳрир қилиш, ўзгартиш ва тузатишлар киритиш, янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш борасида муайян фаолиятларни амалга ошириб келмоқдалар. Юқори ва қуйи палатада муҳокама этилаётган барча қонун ҳужжатлари ягона мақсадга, яъни инсон манфаатларига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Хусусан, бу ҳужжатларнинг жойлардаги ижроси, амалдаги таъсир доираси қандай самара бераётганлиги халқнинг ишончли вакиллари – депутатлар томонидан доимий назорат-таҳлил кўринишида ўрганиб борилади. Бир сўз билан айтганда Ўзбекистон жаҳон майдонида ҳам қонунчилик, ҳам ривожланиш дастурига эга мамлакат сифатида алоҳида ўрин тутади.

### БАЙРАМ ШУКУҲИ АРАФАСИДА

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 19 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида" Қарорига мувофиқ, юртимизнинг барча ҳудудларида ушбу улуғ айёмга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Эркин ва озод, фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли бўлган истиқлолимизни энг буюк, энг азиз қадрият билиш, ёш авлод қалбида она-юрт тупроғини кўзга тўтиё қилиб яшаш, Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик туйғусини юксалтириш ҳаётимизнинг асосий мазмун-моҳиятига айланди. Бу йилги тадбирлар **"Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан"** шиори остида ўтказилаётганлиги эса юртдошларимизни янада иноқлик ва бирдамлик кайфиятида ишлашга, яшашга бўлган иштиёқини оширмоқда.

**Мустақиллик нашидасидан баҳраманд ҳар қалбда бугун ўзгача кўриниш, янгича юксалиш мужассамлигини кўрамиз. Бир юртдошимиз билан суҳбатлашар эканмиз, у шундай дейди:**

*– Амир Темур хиёбонида бўлганмисиз? Дам олиш куни фарзандларим билан шаҳар айлангани кўчага чиқдик. Айниқса, шаҳар марказида қад ростлаган "Ўзбекистон форумлар саройи", хиёбондаги ер ости йўллари, гул-кўчатлар моҳирона дид ва нафосат билан яратилганки, барчамизни, хусусан, хорижлик меҳмонларни ҳайратга солиши табиий. Ҳар йили байрам яқинлашиши билан Президентимизнинг бир гуруҳ ватандошларни мукофотлашга доир қарорларини интизорлик билан кутаман. Чунки, ҳаммамиз ҳам меҳнатимизга эътибор билан қараётган Юртбошимизга мамнунлик ҳиссини билдиришга ошиқамиз. Ўзбекнинг байрамлари тўйларга уланиб кетаверсин, деб дуога қўл очамиз. Борган сайин ҳаяжоним ортмоқда. Чунки, фарзандларим йилдан-йилга улғайиб, замон имкониятлари билан ҳамнафас яшашмоқда. Уларга ҳавасим келади. Давлатимиз тинчлигига, халқимиз фаровонлигига шукроналар айтиб, юртим жамолига кўз тегмасин дейман.*

**Биз ҳам эзгу ниятларга ҳамоҳанг тарзда "Ватаним Ўзбекистон – сенинг гулдек жамолинг, ҳусни камолинг завол топмай, янада навқирон, янада ёш ва кўркам қадду қоматингла нуфузинг ошиб бораверсин", дея самимий тилак билдирамиз.**

**Намоз ТОЛИПОВ,**
**журналист.**

Навоий вилояти | *Ислоҳот одимлари* | Навбаҳор тумани

# ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

## Она ва бола саломатлиги давлат муҳофазасида

***Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, «Соғлом она – соғлом бола» Миллий дастурини амалиётга кенг жорий этиш, тиббиёт муассасаларини замон талаби даражасида жиҳозлаш – бугунги давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.***

Ана шундай тиббиёт муассасалари ҳақида гап кетганда, Навоий вилояти Навбаҳор туман тиббиёт бирлашмасининг туғруқ мажмуасини намунали шифо маскани сифатида эътироф этиш мумкин. Ўтган йиллар ичида ушбу туғруқ мажмуасининг фаолият кўлами тубдан ўзгарди. Ҳомиладор аёлларга барча шароит ва имкониятлар яратилди. Сифатли тиббиёт хизмат кўрсатиш соҳасида эса янги технологиялар амалиётга кенг жорий этилди. Хусусан, «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси томонидан берилган замонавий тиббий асбоб-ускуналар она ва бола саломатлигини яхшилашда асосий ўринга эга бўлмоқда. Шунингдек, ҳомиладор аёллар учун туғруқ залларида яратилган қулай имкониятлар чақалоқлар соғ-саломат, ўз вақтида дунёга келишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, тажрибали акушер-гинеколог ва доялар томонидан «Ёш оналар мактаби»да олиб борилаётган тушунтириш ишлари, яъни тавсия ҳамда маслаҳатлар бола парвариши, кўкрак сути билан боқишнинг афзалликлари оналар ва болалар саломатлиги учун катта замин яратмоқда.

*– Туғруқ мажмуамизда она ва бола учун яратилган барча шароитлар бизнинг фаолиятимиз учун ҳам самарали кечмоқда. Бунинг баробарида мутахассисларнинг касбий маҳоратига қаратилган эътибор ҳам бундан мустасно эмас. Шу ўринда айтиш жоизки, Президентимизнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилишга ҳамда репродуктив саломатлик, соғлом оилани шакллантириш масалаларига қаратилган 1096, 1144-сонли Қарорлари иш фаолиятимизни янада тўғри ташкил этиш, юқори натижаларга эришиш йўлида дастуриламал бўлиб келмоқда. Мазкур Қарорлар ижроси бўйича биргина туғруқ мажмуасида эмас, балки аҳоли орасида ҳам тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораётганлигимиз туфайли туманда оналар ва болалар ўлими кузатилмади, шунингдек, аёллар ўртасида камқонлик ва буқоқ касалликлари кескин камайди.*

*Бу, албатта, истиқлол берган кенг имконият ва Юртбошимизнинг тиббиёт соҳасига, қолаверса, аҳоли саломатлигига бўлган эътибор ва ғамхўрлиги ифодасидир. Шундай экан, соҳа мутахассисларининг самарали фаолият юритишлари учун давлатимиз томонидан шароитлар яратилган экан, бор имкониятларимизни ишга солган ҳолда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга янада эътибор қаратишимиз муҳим.*

*Дарҳақиқат, олдимиздаги асосий масъулият – икки жон, яъни она ва дунёга келаётган чақалоқнинг ҳаяжонли дақиқаларида қасамёдимизга содиқ ҳолда бор билим ва тажрибамизни ишга солишимиз зарур,* – **дейди туғруқ мажмуаси акушер-гинекологи Гуландон Толипова.**






## Инвестиция дастури амалда

***Республикамиз тиббиёт тизимига қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик туфайли юртимиздаги барча тиббиёт масканлари замонавий кўриниш касб этиб, халқаро стандартлар даражасида қайта таъмирланиб, айримлари янгитдан қурилмоқда. Ушбу шифо масканларини жиҳозлаш ҳамда уларни малакали кадрлар билан таъминлаш ишлари эса аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишда муҳим омил бўлмоқда.***





Сир эмаски, Инвестиция дастури доирасида 2009 йилдан бошлаб республикамиздаги тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги объектлар қуриш ва ишга тушириш бўйича кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда.

Ана шундай фойдаланишга топширилган объектлар қаторида Навбаҳор туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги юқумли касалликлар бўлимини ҳам келтириш мумкин.

*– Бўлимимиз умумий 35 койкадан иборат бўлиб, ҳар бир хона, бинонинг ташқи ва ички кўринишидан тортиб, хизмат кўрсатиш хоналаригача бўлган қисмлар алоҳида эътибор ва талаб даражасида таъмирланган ва жиҳозланган.*

*Таъкидлаш жоизки, мазкур бўлим 2011 йилда Инвестиция дастурига киритилган бўлиб, қурилиш ва таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган эди. Қисқа вақт ичида бўлим таниб бўлмас даражада замонавий қиёфа касб этди. Ҳар бир хонага алоҳида эътибор қаратилди. Даволанувчиларга эса барча қулайликлар яратилди. Энг асосийси, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш салоҳиятини яхшилаш мақсадида бўлим замонавий тиббий асбоб-ускуналар, диагностика аппаратуралари билан тўлиқ жиҳозланди. Шифокорларнинг касб малакасига эътибор кучайтирилди. Таъмирлаш ва қурилиш-монтаж жараёнида қурувчилар ўз ишларига қатъий масъулият билан ёндошдилар. Чунки, бундай эзгу ишлар замирида, албатта, аҳоли саломатлиги ётади. Шундай экан, инвестиция талабларига амал қилган ҳолда бўлимни сифатли ва ҳавас қилса арзийдиган даражада янги кўринишга келтирдик,* – **дейди биз билан суҳбатда бўлим бошлиғи Furthermore Бобоназар Қосимов.**

Бугунги кунга келиб, мазкур бўлим қатори Навоий вилоятининг жуда кўплаб тиббиёт муассасаларида Инвестиция дастури талабларини бажариш юзасидан амалий ишлар бажарилмоқда. Чунки, Юртбошимиз инсонлар тиббиётга эмас, балки тиббиётнинг ўзи кенг имкониятлари билан халқимиз орасига кириб борсин, тиббиётга бўлган ишонч ва ҳурмат ошсин, деган эдилар. Ана шу ҳаётий дастуриламал бугун ўз натижасини берди. Қайсики бир муассасага борманг, у ердаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари диққатингизни тортади. Шундай экан, Навбаҳор туман тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлими ён-атрофлари ҳам турли гул кўчатлари, киши кайфиятини кўтарадиган даражадаги озодалиги билан ажралиб туради. Айниқса, беморлар дарддан фориғ бўлиб, табиат қўйнида ором олишлари учун эса дам олиш жойлари ўрнатилганлиги алоҳида эътиборга молик. Шунингдек, туман тиббиёт бирлашмасининг бошқа бўлимларида ҳам ана шундай эзгу ишлар бардавом эканлигининг гувоҳи бўлдик.

## Замонавий аппаратураларнинг инсон саломатлигидаги ўрни




***Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш баробарида аҳолига сифатли шошилинч тиббий ёрдам хизматини кўрсатиш, янги замонавий даволаш усулларини амалиётга татбиқ этиш ва қўллаш бугунги тиббиёт ислоҳотларининг бош мақсадига айланган.***

Истиқлолнинг илк кунларидан инсон манфаатлари ва унинг саломатлигини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида эътироф этилган ва бу борада муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Республикамизда халқ саломатлиги йўлида тиббиёт тизимининг барча соҳаларида ижобий фаолиятлар олиб борилаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Айтиш жоизки, аҳоли соғлигини муҳофаза қилишда тизимнинг бирламчи тиббий санитария, шошилинч тиббий ёрдам, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда санитария-эпидемиология соҳаларида ижобий фаолиятлар амалга оширилиб, тиббиёт муассасалари замонавий тарзда қад кўтарди, янги технологиялар билан таъминланди. Халқнинг тиббиётга ишончи ва соғлигига бўлган эътибори ортиб бормоқда. Ана шундай ишлар самарасини Навбаҳор туман тиббиёт бирлашмаси таркибидаги шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимида кўришимиз мумкин.

*– Айниқса, аҳолига шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш биринчи даражали тиббиёт ислоҳотларидан бири саналади. Хусусан, шошилинч хизмат жараёнида бемор ҳаётини сақлаб қолиш учун янги оператив даволаш усулларидан фойдаланилмаса, муайян мақсадларга эришиш мушкуллигини барча мутахассислар яхши билишади. Шу маънода амалиётга янги ғоялар, янгиликлар ва замонавий технологияларни жорий этиш давр талабига айланиб бормоқда. Айтиш муҳимки, шошилинч тиббий хизматни сифатли амалга оширишда биринчи ўринда замонавий тиббий асбоб-ускуналарнинг тезкорлиги муҳим,* – **дейди шошилинч тиббий ёрдам бўлими бошлиғи Алишер Жўраев.**

Ушбу мураккаб жараёнларни самарали ҳал этишда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Навоий вилоят филиалининг ҳам салмоқли хизмати борлигини таъкидлаш лозим.

**(Давоми 4-бетда).**

Қизилтепа тумани

# ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

***Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳукуматимизнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Шу ўринда халқимиз сиҳат-саломатлиги, фарзандларимиз соғлом ўсиб-улғайиши, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, шунингдек, қишлоқ врачлик пунктлари ҳолатини янада яхшилашга катта аҳамият берилмоқда.***

Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири қишлоқ врачлик пунктлари ишини янада такомиллаштиришдан иборат. Навоий вилояти Қизилтепа туман тиббиёт бирлашмасига қарашли **«Тошработ» қишлоқ врачлик пункти**нинг бугунги амалий фаолияти ҳақида кўплаб ижобий натижаларни келтириш мумкин.

Мазкур қишлоқ врачлик пунктида аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий санитария ёрдами изчиллик билан олиб борилмоқда.

*– ҚВПмизга «Саломатлик-2» лойиҳаси томонидан ЭКГ, автоклав, офтальмология жамланмалари, акушер-гинекология столи, лаборатория жиҳозлари ва бошқа ускуналар келтирилди. ҚВПмизга юридик мақом берилиб, шу асосида жон бошига молиялаштирилди. Ҳудудда 4718 нафарга яқин аҳоли мавжуд бўлиб, уларга малакали тиббиёт ходимларимиз томонидан сифатли хизмат кўрсатилади. Қабулхона, клиник лаборатория, физиотерапия, эмлаш, муолажа, зарарсизлантириш, кундузги стационар хоналаримиз мавжуд ва беморлар учун барча шароитлар яратилган,* – **дейди умумий амалиёт шифокори Абдулла Жўраев.**



*– Қишлоқ врачлик пунктимиз ҳудудида жойлашган мактаб ва коллеж ўқувчилари ҳар йили режа бўйича тиббий кўрикдан ўтказиб турилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1096-сонли Қарорининг ижроси бўйича репродуктив саломатлик ишлари изчил давом этмоқда. Жумладан, аёллар маслаҳатхонаси томонидан туғиш ёшидаги аёлларга керакли тавсиялар берамиз. Ҳомиладорлар ҳисобга олиниб, ҳомиладорликдан сақланиш, керак бўлган аёлларга контрацептив воситалардан фойдаланиш, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш бўйича тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бир қаторда, бажаришимиз лозим бўлган ишларимиз ҳам талайгина. Масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш учун астойдил меҳнат қиламиз,* – **дейди бош ҳамшира Сайёра Муҳиддинова**.

Албатта, шаҳардаги тиббиёт муассасаларидан деярли фарқ қилмайдиган ана шундай ҚВПлар фаолиятидан бугун халқимиз бениҳоя мамнун.

**Шакар ТЕШАЕВА,**
**74 ёш, нафақахўр:**

– Олдинлари бир неча километр босиб, шаҳар марказига борар эдик. Мана мустақиллик берган имконият туфайли фарзандларимиз, келажак авлодларимиз биз орзу қилган ниятларга, кенг шароитларга эга бўлмоқда. Қон босимим тез-тез ошиб турганлиги боис, оилавий шифокорим ҳолимдан хабар олиб туради. Керакли дори-дармонлар билан таъминланганман. Кечасими ё кундузи ҚВПмиз ходимлари доим хизматга тайёр. Уларнинг биз каби кексалар дардига малҳам бўлишдек шарафли ишларини кўриб, фақат дуо қиламан. Албатта, ана шундай кенг имкониятларни муҳайё қилган Юртбошимизга алоҳида раҳмат айтмоқчиман. Ўйлайманки, болаларимиз тинчлик ва осойишта ҳаёт ҳамда ўз соғликларининг қадрига етадилар.















# ЭНГ МУҲИМИ – ТИББИЁТГА ИШОНЧ ОРТСИН

***Хизмат сафаримиз чоғида Қизилтепа туман тиббиёт бирлашмасининг «Ғамхўр» қишлоқ врачлик пунктида бўлдик. Бугунги кунда ушбу ҳудудда 4338 нафар аҳоли истиқомат қилиб, уларга 1 нафар УАШ ва 12 нафар ҳамшира сифатли ҳамда малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Чуқур мазмундаги ислоҳотлар, кенг қамровли лойиҳалар асосида ҚВПнинг ташқи ва ички кўриниши тамомила бошқа қиёфа касб этган. Ҳомийлар ва халқаро лойиҳалар доирасида замонавий жиҳозланган.***



**Обида ҲАМРОЕВА,**
**ҚВП мудираси:**

*– «Саломатлик-2» лойиҳаси томонидан ҚВПга ФЭК, микроскоп, центрафуга сингари лаборатория асбоб-ускуналари, доплер аппарати ва қаттиқ жиҳозлар келтирилган. Бу ерда асосан қон ва сийдикнинг умумий таҳлиллари қисқа вақт ичида аниқланиб, тўғри ташҳис қўйишга асос яратилади. Тажрибали лаборантнинг ўта ҳушёрлик ва синчковлик билан амалга ошираётган фаолияти касбига бўлган қизиқиши ва масъулияти қанчалик юқори эканлигини кўрсатиб туради. Аввал лари узоқ масофа босиб, шаҳар шифохоналарига йўл олган фуқаролар эндиликда қишлоқларидаги ҚВП хизматларидан унумли ва самарали фойдаланиб, касалликлари ҳақидаги дастлабки ташҳисни шу ернинг ўзида аниқлашмоқда.*

ҚВПдаги тиббиёт ходимлари беморнинг клиник таҳлилларини кўздан кечириб, керакли маслаҳатлар бериш баробарида, уларнинг стационар шароитда даволанишлари учун қулай имконият яратилган.

ҚВПда 12 нафар ҳамшира аҳолининг ишончли ва маслаҳатдош аъзосига айланиб, меҳнат қилиб келмоқда. Чунки, уларнинг зиммасида соғлом турмуш тарзини кенгроқ тарғиб қилиш, аҳолининг тиббий саводхонлигини яхшилаш, тиббиётга бўлган ишончини ошириш ва оиланинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўрганиб чиқиш вазифалари уйғун ётади. Мавсумий ва юқумли касалликлар бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришда ўз масъулиятини ошириб боради.

Стерилизация хонасида барча тиббий жиҳозлар зарарсизлантирилиб, қайта ишлатилади. Бу кундалик ва доимий вазифага киради. Чунки, асептика ва антисептика қоидаларига риоя қилиш – тиббиётнинг асосий талабларидан ҳисобланади. Шу билан бирга, автоклав, дистиллятор, қуритиш шкафи мавжуд. Уларнинг барчаси ўз функциясига эга. «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида берилган жиҳозлар тиббий фаолиятни тўғри ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда етакчи омил бўлаётганлигини яхши биламиз. Шунингдек, замонавий стоматология аппаратурасининг мавжудлиги аҳолига янада енгиллик туғдирмоқда.

ҚВП жон бошига молиялаштириш тизимига ўтган бўлиб, юридик мақомга эга муассаса ҳисобланади. Фаолиятлар асосан аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондириш билан бирга, улар соғлигини назорат қилиш ва касалликларнинг олдини олишга йўналтирилган. Қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатишга мўлжалланган ҚВП ходимлари аҳоли билан яқин ҳамкорликда меҳнат қилишни дастуриламал қилиб олишган.

(Давоми. Боши 3-бетда).









***Навоий вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тасарруфида бўлган ана шундай бирламчи тиббиёт муассасалари фаолиятидан бугун кенг жамоатчилик, қолаверса, саломатлик – олий неъмат эканлигини юракдан туйган жамики инсон борки, ўз мамнунлигини баён этади. Ана шундай чуқур ишонч ва эътиборга лойиқ вилоят тиббиёт ходимлари ишларига ривож тилаб қоламиз.***

**3-4-саҳифа материалларини**
**Ибодат СОАТОВА тайёрлади.**
**Муаллиф олган суратлар.**

*2012 йил – Мустаҳкам оила йили*

# МУСТАҲКАМ ОИЛА – КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

***Оила – мўъжазгина бир жамият бўлиб, ҳаётнинг абадийлигини, авлодлар давомийлигини таъминлаш билан бир қаторда, қадим-қадимдан муқаддас кўрган ҳисобланган ва у башарият яратган бебаҳо, ноёб маънавий қадриятдир. Оиланинг мақсад ва вазифаси фарзандларни жисмонан бақувват, руҳан тетик, интеллектуал салоҳиятли инсонлар қилиб тарбиялашдан иборат.***



Албатта, бундай вазифалар ота-она зиммасига катта масъулият юклайди. Дарҳақиқат, одобли, билимдон, ақлли, меҳнатсевар, имонэътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир. Шу ўринда айтишимиз муҳимки, давлатимиз раҳбарининг ёшларимизга қаратаётган эътибор ва ғамхўрликлари боис, юртимизда фарзандларимиз учун яратилаётган кенг имкониятлар келажагимиз янада порлоқ бўлишидан далолат бериб турибди. Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ, фарзандлар тарбиясига катта эътибор берилиб, болалар спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида жамғармалар тузилди. Улар ана шундай эзгу ниятли ишлар йўлида самарали фаолиятлар юритиб, фарзандларимиз саломатлигига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Айниқса, ёшлар ўртасида «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Университиада» мусобақаларининг ўтказиб келинаётганлиги ёш авлоднинг жисмонан бақувват ҳамда маънавий шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир. Оила янада мустаҳкам бўлишида барча ташкилотлар қатори маҳалланинг ўрнини алоҳида таъкидлаш муҳим. «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» тамойилига асосланган ҳолда маҳалла бошқарувига бундай катта эътибор бугун мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг халқчиллигидан далолат бериб, оила, маҳалла, мактаб ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутмоқда.

Оиланинг муҳим вазифаларидан яна бири яратувчанлик, бунёдкорлик, ишбилармонлик, фаровонлик бўлиб, бу борада юртимизда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқдаки, бундай шароитлардан фойдаланмаган оилалар бўлмаса керак. Ҳар йил ташкил этиладиган «Ташаббус» кўрик-танловида барча ҳудудлардан оилалар қатнашиб, катта ютуқларни қўлга киритмоқда, бу қилинаётган ишлар оилаларни мустаҳкамлашда, улар фаровон, тўкин-сочинликда яшашларига имконият яратмоқда. Аёлларимиз ўз уйларида, оилаларида болалар тарбиясидан бўш вақтларида оила даромадини ошириш мақсадида касаначилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланиб, оиланинг фаровон ҳамда соғлом яшашига муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Жорий йилимизни «Мустаҳкам оила йили» деб аталиши ҳар бир фуқаро олдига катта масъулият юклаб, жамиятимиз тараққиёти равнақ топишида ва келажагимиз янада порлоқ бўлишида астойдил меҳнат қилишимизни тақозо этмоқда. Аввало, оиланинг мустаҳкамлиги учун халқимиз орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтиришимиз зарурлиги ҳеч биримизга сир эмас. Шундай экан, бу борада Республика саломатлик ва тиббий статистика институти ҳам самарали ишларни амалга ошириб келмоқда. Шунингдек, институтимизнинг вилоят филиаллари ҳам «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросини бажаришда фаол иштирок этиб, мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, маҳалла ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда фаолият юритиб, семинар, давра суҳбати ва учрашувлар ўтказиб келмоқдалар. Бунинг баробарида ходимларимиз томонидан турли касалликлар бўйича буклет ва плакатлар тайёрланиб, тиббиёт муассасалари, қолаверса, аҳолига тарқатилмоқда. Халқимизнинг тиббий маданиятини янада оширишда, уларнинг тиббиётга бўлган ишончини орттириш мақсадида телевидение орқали «Ўзингни англа», «Болалар спорти», «Саломатлик» каби кўрсатувларнинг эфирга узатилаётганлиги ҳамда радиоканалларда режали эшиттиришлар йўлга қўйилганлиги, босма оммавий ахборот воситаларида турли мавзуларга бағишланган тиббиёт йўналишидаги мақолалар чоп этилаётганлиги аҳолининг соғлом турмуш тарзига бўлган эътиборини янада кучайтирмоқда.

**Зулхумор МУТАЛОВА,**
**Республика саломатлик ва тиббий статистика институти директори.**

*Дил изҳори*

# КЎЗЛАРИМИЗГА НУР БАХШ ЭТИШДИ

Не бахтки, халқ саломатлиги учун жон куйдиришни ўзининг бош мезони деб билган давлатда яшаймиз. Меҳрибон шифокорлар ҳар қандай хасталикни бартараф этиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Фурсатдан фойдаланиб, бизнинг кўзларимизга нур бағишлаган Сирдарё вилояти кўз касалликлари шифохонаси жамоасига, хусусан, шифохона раҳбари Р. Каримов, бўлим бошлиғи У. Каримов, шифокорлар Зокиржон, Комилжон, Расулжонлар, ҳамширолар Севара, Нилуфар, Нигора ва Мавлудахонларга чуқур миннатдорчилигимизни изҳор этмоқчимиз. Гарчанд ҳар биримиз турли вилоятларда истиқомат қилсак-да, айни шу шифо маскани жонимизга оро кирди. Бу албатта, жонажон мамлакатимизда эл соғлиғи йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар, саъй-ҳаракатлар самарасидир. Операциядан сўнг ҳаммамизнинг кўзимиз равшан кўриб, оилаларимиз бағрига омон-эсон қайтдик. Яна бир бор аҳил жамоанинг қўли енгил шифокор ва ҳамшираларига ўз мамнунлигимизни билдириб, уларнинг оила аъзоларига сиҳатсаломатлик ва ишларига омад тилаб қоламиз.

**А. АЛЛАБЕРГАНОВ,**
**Урганч шаҳри, Туркистон кўчаси,**
**Н. КАРИМОВ,**
**Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани,**
**Я. АБЗАЛИЕВ,**
**Гулистон шаҳри,**
**Б. ЖАББОРОВ,**
**Жиззах вилояти, Бахмал тумани.**

# ДЕПУТАТЛАР МАМЛАКАТ ТАШҚИ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР

сиёсий вазиятини ҳисобга олган ҳолда қурилмоқда.

"Адолат" СДП фракцияси вакиллари таъкидлаганидек, Концепцияда Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, суверенитет, ҳудудий яхлитликни ҳурмат қилиш, чегараларнинг дахлсизлиги ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, мунозарали масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш, шунингдек, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик каби устувор принципларига содиқ бўлиб қолишига алоҳида ўрин берилган.

Муҳокамалар чоғида ЎзХДП фракцияси депутатлари Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши Марказий Осиё минтақаси бўлиб, мамлакатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари бу минтақа билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидладилар. Ўзбекистон ўзининг яқин қўшнилари билан муносабатларда доимо очиқ, дўстона ва прагматик сиёсат юритиш тарафдори бўлиб қолади, минтақадаги барча долзарб сиёсий, иқтисодий ва экологик муаммолар ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, амалий мулоқот ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳал этилишини ёқлайди. Концепцияда Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё муаммолари ташқи кучлар аралашувисиз, минтақадаги давлатларнинг ўзи томонидан ечилиши кераклиги тўғрисидаги нуқтаи назари аниқ баён этиб берилган.

